

**РАХИМДЖАНОВ Дурбек Абиджанович,**  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
Исломишунослик ва ислом цивилизациясини  
ўрганиш ICESCO кафедраси доценти,  
тарих фанлари номзоди  
durbekr@yahoo.com.

## УСМОН МУСҲАФИНИНГ ЖАМЛАНИШДАГИ МУҲИМ ЖИҲАТЛАР

### ОСНОВНЫЕ АСПЕКТЫ В СОБРАНИИ МУСХАФА УСМАНА

### MAIN ASPECTS IN THE COLLECTION OF MUSHAF UTHMAN

**Аннотация.** Ушбу мақолада ислом динининг бирламчи манбаси бўлмиш Қуръони каримнинг илк бора жамланиши тарихи ҳақида сўз боради. Ваҳийнинг ёзилиши ва китоб ҳолида жамланиши, бунда саҳоба ва қориларнинг кўрсатган зайрат, ҳаракат ва фидоийликлари кўрсатиб берилган. Шунингдек, “Етти қироат” ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган.

**Калим сўзлар.** Мусхаф, “Етти қироат”, “Мўйи муборак”, саҳоба, “Ислом маданияти пойтахти”, Абул-Асвад Дуалий.

**Аннотация.** В данной статье рассматривается история первичного составления Корана, первоисточника ислама. Написание откровения и его составление в виде книги свидетельствует о рвении, усилиях и преданности сподвижников и чтецов. Также упоминается о «Семи чтений» Корана.

**Ключевые слова.** Мусхаф, «Семь чтений», «Мўйи мубарак», саҳабит (сподвижник), «Столица исламской культуры», Абул-Асвад Дуали.

**Annotation.** The article sets focuses on the history of the compilation of the Holy Koran, the primary source of Islam, compiling of revelations into one volume, faithfulness, and loyalty of the Prophet's companions who learned the Koran by heart; it also provides detailed information on the seven ways of recitation of the Holy Koran.

**Keywords.** Mushaf, seven ways of recitation, “Muyi Mubarak”, a companion of the Prophet, “The Capital of Islamic Culture”, Abul-Asvad Duali.

## КИРИШ

Замонавий кашфиётлар фақат техника соҳаларида эмас, балки ижтимоий-гуманитар фан соҳаларида ҳам амалга оширилмоқдаки, тарих ва манбашунослик бу борада катта ютуқларга эришмоқда. XX асрда юз берган фан-техника ютуқлари орасида дунёдаги қадимий кўлёзма манбалар хазиналари ва кутубхоналарини ягона тизимга солиш – каталоглаштириш ишларининг жадаллашуви манбашунослик соҳаси ривожига катта аҳамиятга эга бўлди.

Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим. фан ва маданият масалалари бўйича ихтисослашган тузилмаси (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрини «Ислом маданиятининг пойтахти» деб эълон қилинишида «Усмон Мусхафи» мавжудлигининг ўрни ҳам катта бўлди [2: 37]. Зеро, бу манба ўн тўрт асрлик тарихни ўзида мужассам этган. Шунча вақт ўтишига қарамай, Тошкентдаги «Усмон Мусхафи» кўплаб тадқиқотчилар – шарқшунослар, палеографлар, тилшунослар, санъатшунослар ва бошқа соҳа кишиларининг диққатини ўзига жалб этмоқда. XX асрнинг иккинчи ярмига келиб энг қадимий Қуръон нусхалари бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди. «Усмон Мусхафи» тарихига қизиққан киши дунёдаги бир қатор мамлакатларда ана шундай ном билан аталувчи нодир манбалар мавжудлигининг гувоҳи бўлади. Аммо улар орасида Тошкент нусхаси қандай ўрин тутати? Бу саволга жавоб бериш учун мазкур манбаларни диққат билан ўрганиш талаб этилади.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Ислом динининг асосий манбаси бўлган Қуръони каримнинг ҳар бир варағи мусулмонлар томонидан эъзозланади. Улар орасида «Усмон Мусхафи» деб ҳисобланувчи нусхаларининг ўрни бекиёсдир. Тошкентдаги ана шу ноёб манба маҳаллий мусулмонлар томонидан бевосита Усмон ибн Аффон даврида (644-656) илк марта ёзиб жамланган Мусхаф дея эъзозланади. Ушбу қадимий китоб Ўзбекистон мусулмонлари идораси қошидаги қадимий «Мўйи муборак» мадрасаси биносида сақланмоқда.

Қуръоннинг жамланишини шартли равишда учта асосий босқичга: 1) Пайғамбар алайҳиссалом даври, 2) Абу Бакр Сиддиқ даври ва 3) Усмон ибн Аффон даврига бўлиш мумкин. Пайғамбар алайҳиссаломга нозил бўлган Қуръон оятлари саҳобалар томонидан ёд олинар ҳамда пўстлоқ, тери, тош каби ашёларга ёзиларди. Бу ёзувлар тарқоқ ҳолда бўлишига сабаб, биринчидан, Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳаётлик чоғларида Қуръон оятлари вақти-вақти билан доимий равишда нозил бўлиб, уни жамлаб китоб ҳолига келтириш долзарб масала даражасига кўтарилмаган эди. Иккинчидан, бу даврда одамлар орасида ҳали ваҳий тушиши узок давом этади, деган кайфият ҳукмрон эди. Шундай қилиб, биринчи босқич даврида Қуръон кишиларнинг хотирасида ҳамда турли нарсаларга ёзилган ҳолда сақланди.

Абу Бакр Сиддиқ халифалиги даврида (632-634) турли фитналарга қарши олиб борилган кўплаб жангларда Қуръонни ёдлаган қорилар ҳалок бўлдилар. Ҳолат шу тахлит давом этса, илоҳий китоб келгуси авлодга етиб бормай, йўқ бўлиб кетиши хавфи туғилди. Шунда саҳоба Умар ибн Хаттоб ҳазрат Абу Бакрга Қуръонни жамлаш таклифини берди. Бу ишни амалга ошириш вазифаси саҳобалардан Зайд ибн Собитга топширилди.

Қуръонни Мусҳаф, яъни ягона китоб ҳолида жамлаш қорилар орасида энг нуфузли саҳоба Зайд ибн Собит учун катта шараф бўлиши билан бирга, унга улкан масъулиятни юклар эди. Чунки бу ишга ҳатто Пайғамбар алайҳиссалом ҳам қўл урмаган эдилар. Кучли хаяжон олдида турган Зайд ибн Собитга Абу Бакр Сиддиқ ва Умар ибн Хаттоб маънавий далда бердилар. Бу ишнинг савобли ва зарур эканини тушунтириб, ундаганларидан сўнггина Зайд ибн Собит бу ишга киришди. Унинг эътироф этишича, «Аллоҳга қасамки, агар тоғни кўтаришга буюрганларида ҳам бунчалик оғир туюлмас эди».

Ҳазрати Абу Бакр Умар билан Зайдга: «Масжиднинг эшиги олдида ўтиринглар, кимки Қуръондан икки киши гувоҳлигида бирор нарса олиб келса, уни ёзиб олинглар», деб буюрдилар [5: 58]. Зайд ибн Собит зиммасидаги масъулиятни тўла ҳис қилиб, бу вазифага изчил ёндашди. Хурмо япроқлари, тери, япалоқ тош тахталар ҳамда бошқа

нарсаларга битилган оятларни бирма-бир йиғди. Ёзилмаган қисмларини Қуръонни ёд олган кишилардан эшитиб ёзди ва суралар битилган саҳифаларни бир ерга жамлади. «Ас-Сухуф ал-Бакрия» деб аталган ушбу илк мажмуа Абу Бакрнинг вафотларигача у зотнинг қўлларида, сўнг ҳазрати Умар тасарруфларида бўлди. Сўнг Пайғамбар алайҳиссаломнинг аёллари – Умар ибн Хаттобнинг қизлари Ҳафсага сақлаш учун топширилди. Қуръон жамланишининг учинчи босқичи Усмон ибн Аффон даврида амалга оширилди.

Усмон ибн Аффон даврида Қуръони карим жамланишининг энг аҳамиятли жиҳати унинг қироатини ягона шаклга келтириш бўлди. Бундан илк Қуръон оятлари ёзилган нусхалар орасида ҳар хиллик мавжуд бўлганми, деган савол туғилиши табиий. Бу саволга жавобан Қуръон илмлари орасида «етти хил қироат» ҳақидаги маълумотни келтириб ўтиш жоиздир [5: 62].

Имом Бухорийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» асарларида берилишича, Расулуллоҳ (с.а.в.) айтадилар: «Жаброил (а.с.) менга Қуръонни бир қироат билан ўргатдилар. Мен ул зотга мурожаат қилиб, қироат йўлини кўпайтиришни сўрадим. То қироат етти хилга етмагунча, мен сўрашдан ва ул зот эса зиёда қилишдан тўхтамадилар». Кейинчалик Расулуллоҳ саҳобаларга қайси қироат осон бўлса, ўша қироатда ўқиш жоизлигини таъкидладилар.

«Етти қироат» деганда Қуръонни етти хил лаҳжага хос қироат билан ўқиш назарда тутилади. Бунда оятдаги бир сўз ўрнига ўша маънони англатувчи бошқа сўз (синоним) қўйилган эди. Масалан, «қичқирик» маъносидаги «сайҳатан» сўзи ўрнига бошқа қабила лаҳжасида ўша маънони билдирувчи «зайкатан» сўзи ишлатиларди (Ёсин, 29). Шу тариқа оятлар Арабистон ярим оролидаги қурайш, ҳузайл, ҳавозин, яман каби энг йирик қабилаларнинг лаҳжаларида нозил бўлгани ривоят қилинади. Бу турли қабила вакилларида Қуръон тиловати ва уни тушуниш осон бўлиши учун берилган енгиллик эди. Илк даврда Ҳазрат Абу Бакр томонидан жам қилинган Қуръон тўплами шу етти қироатни ўз ичига олган эди. Аммо ушбу «етти қироат» кейинчалик мусулмонлар орасида баъзи ихтилофларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди [5: 68].

Усмон ибн Аффон даврида (644-656) ислом дини Арабистон ярим оролидан ташқарига чиқиб, турли халқлар орасида тарқалди, мусулмонлар сони кўпайди. Янги исломга кирган аҳоли ўша ерга борган қори саҳобалардан Қуръон қироатини ўрганар эдилар. Мазкур саҳобалар эса ўз лаҳжаларига хос қироатни ўргатардилар. Масалан, Шом аҳли Убай ибн Каъб (ваф. 649 ёки 654) қироатида, Куфа аҳли Абдуллоҳ ибн Масъуд (ваф. 632 ёки 653) қироатида ва яна бошқалар Абу Мусо Ашъарий (601-665) қироатида Қуръонни ўқирдилар. Икки хил қироат соҳиби бир жойда жам бўлиб қолса, ҳар бир томон ўзининг қироати тўғри ва афзал деб, даъво қилиши натижасида тортишув юзага келарди.

Усмон ибн Аффон халифалигининг иккинчи йилида Шом ва Ироқ аҳллари ўртасида Қуръон тиловати борасида ихтилофлар кучайди. Бу ҳолатни кўриб, ундан хавотирга тушган саҳоба Ҳузайфа ибн Ямон Ҳазрати Усмонга «Эй амирал-мўминин, мусулмонлар Қуръон хусусида яҳудий ва насоролар каби ихтилоф қилмасларидан бурун бу умматнинг ҳолидан хабар олинг, кишилар орасида Қуръон ўқиш борасида ихтилоф кучайиб, мусулмонлар бир-бирларини кофирга чиқармоқдалар», деган ташвишли хабарларни етказди [5: 68].

Худди шундай ихтилоф Ҳазрати Усмон турган пойтахт шаҳар – Мадинанинг ўзида ҳам содир бўлди. Бир муаллим шогирдларига бир қироат бўйича таълим берса, иккинчиси бошқа қироатни ўргатар эди. Илм толиблари бир жойга тўпланганларида бир-бирлари билан шу хусусда тортишар эдилар. Муаллимлар ҳам бир-бирларининг қироатларини айблаб бошлади. Ҳатто шогирдлар билан шогирдлар ва муаллимлар билан муаллимлар ўртасидаги низолар кон тўкилиш даражасига бориб етди. Бундан Усмон ибн Аффон хабар топганда, «Ҳали менинг яқинимда туриб бир-бирларингизни ёлғончи қиласизлар ва Қуръон хусусида айблайсизлар, бошқа диёрлардаги аҳвол қандай кечади?» деб бундай ташвишга тушдилар. Шундай қилиб, ушбу ҳолатнинг олдини олиш мақсадида Қуръони каримни бир хил қироатда ёзиб жам қилиш ва барча учун шу қироатни жорий этиш зарурати юзага келди.

Ривоят қилинишича, Ҳазрати Усмон барча саҳобаларни тўпладилар. Уларнинг сони 12 минг

эди. Саҳобалар воқеадан хабардор этилганда, улар мазкур вазиятни катта хавф деб билдилар. Ихтилоф ва тафриқаларга бўлинишдан сақланиш мақсадида мусулмонлар орасида битта Мусхафни қабул қилиш тўғрисидаги фикр барча саҳобалар томонидан бир овоздан маъқулланди.

Усмон ибн Аффон Каломуллоҳни бир китобда жамлашга буйруқ бердилар. Бу гал ҳам мазкур ишга масъуллик Мусхафни жамлаш бўйича Абу Бакр Сиддиқ давридан тажрибага эга бўлган саҳоба – Зайд ибн Собитга юкланди.

Ҳафса бинт Умарда сақланаётган саҳифалардан Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Саид ибн Ос, Абдурахмон ибн Ҳорисларга битта мусхаф (муқоваланган китоб) қилиниб, ундан нусха кўчиришга буюрилди. Ягона кўчирилган мусхафга қурайш лаҳжаси асос қилиб олинди.

Мазкур иш амалга оширилгач, Қуръондан ёзилган бошқа ҳар хил лаҳжалардаги саҳифаларни куйдиришга буюрдилар. Ягона мусхафдан бир неча нусха кўчирилди ва ҳар бир минтақага биттадан юбордилар. Ривоятларга кўра, Мусхаф тайёр бўлгач, Усмон ибн Аффон томонидан турли юртларга «Мен ўзимиздаги бошқа нусхаларни йўқотдим, сизлар ҳам жамланган ягона нусхага хилоф бўлган бошқа нусхаларни йўқ қилинглар», деган маънодаги хатлар йўлланди. Саҳобалар бу қарорни қабул қилдилар ва ягона Усмон Мусхафига ўтдилар. Бу Мусхаф нусхалари турли мусулмон диёрларида ҳурмат билан кутиб олинди ва ундан жуда кўплаб нусхалар кўчирилди.

Абу Бакр ва Усмон даврларида жамланган Мусхафлар орасидаги фарқ шундан иборат эдики, аввалгисида қори саҳобаларнинг ўлими билан Қуръоннинг йўқолиб кетиш хавфининг олди олинган бўлса, кейингисида у ягона шаклга келтирилиб, қироат хусусидаги ихтилоф ва фитналарга барҳам берилди. Дастлаб машаққат ва ноқулайлик бўлмаслиги учун бошқа қироатларга рухсат берилган бўлса, кейинчалик Усмон ибн Аффон бунга ҳожат қолмаганини кўрдилар ва битта қироатга ўтказдилар. Аммо кейинги тадқиқотчилар томонидан «Қуръоннинг қироати ва шаклининг ягона ҳолга келтирилиши (канонлаштириш) XX асрадаги амалга оширилди», деб билдирилган фикрни мутлақ ҳақиқат деб қабул қилиш тўғри

бўлмайди. Акс ҳолда, Ҳазрати Усмон даврида барҳам берилган ихтилоф мусулмонлар орасида то яқин даврларгача давом этган экан-да, деган нотўғри хулоса чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳазрати Усмон даврида жамланган Мусҳафнинг Пайғамбар алайҳиссаломга нозил бўлган ваҳий билан бир хил эканини исботловчи қатор далиллар мавжуд. Улардан бири саҳобалардан иборат қориларнинг бир эмас, бир қанчалари томонидан Қуръоннинг ёд олинishi эди. Ривоятларда илк даврда Қуръонни тўлиқ ёдлаган тўрт кишининг номи саналади. Улар – Абу Дардо, Муоз ибн Жабал, Зайд ибн Собит ва Абу Зайд. Бундан ташқари, номлари маълум бўлмаган қорилар ҳам кўп бўлган. Қуръонни тўлиқ ёдлаш илк даврдаёқ саҳобалар орасида катта шараф ҳисобланар ва шу сабабли бу ишга кўпчилик бел боғлаган эдилар.

Араблар орасида ўзаро фахрланишга сабаб бўлган хотира қувватининг кучлилиги ҳам Қуръоннинг тўғри сақланишига ёрдам берди. Узун-узон қасида ва мадҳияларни бир эшитишдаёқ ёдлаб олиш қобилиятига эга бўлган бу халқ орасида Қуръон оятларининг йўқолмай сақланишига Расулulloҳнинг ишончлари комил эди. Қуръон оятлари нозил бўлган заҳотиёқ дарҳол дилларга жо этилар, бунини мусулмонлар ўзлари учун фарз амаллардан деб ҳисоблар эдилар.

Қуръони карим нозил бўлиш давридан бошлаб кишиларнинг кўз ўнгида, хотирасида сақланадиган, кундалик намозларида ўқиладиган китоб бўлгани унга турли ўзгаришлар кириб қолгани ҳақидаги даъволарни рад этувчи далилдир. Қуръон исломнинг илк даврида саҳобалар ҳаётида муҳим ўрин тутган бўлиб, турли машаққатли кунларда маънавий далда ва озуқа берар эди. Уларнинг қалблари Қуръон оятларини ёдлаш ва тиловат қилиш билан тасалли топар, янги оят нозил бўлган вақтларда, ўзларини қайтадан ҳаётга келгандек ҳис қилардилар.

Усмон ибн Аффон турли юртларга юборган Мусҳафларнинг сони тўғрисида ҳар хил ривоятлар мавжуд. Баъзиларида нусхалар тўртта, баъзиларида эса еттита бўлган, дейилади. Уламолар энг тўғри сон сифатида олтита деган сўзни таъкидлаганлар: Маккий, Шомий, Басрий, Куфий, Мадина аҳли учун

умумий бўлган Маданий ва халифанинг ўзи учун хос бўлган Мадина Мусҳафларидир.

Биринчи Мусҳаф ҳижозий хатда ёзилди. Аввалда анборий-химёрий деб аталган бу хат тури Ҳижозда тарқалгандан сўнг, ҳижозий деб атала бошлади. Ислом дини келган пайтда араблар орасида мана шу хат тури қўлланилар эди ва шу ёзув билан ваҳийни, Абу Бакр саҳифаларини, Усмон Мусҳафларини ёздилар. Куфа ёзуви пайдо бўлгунча Мусҳаф ва бошқа ҳужжатлар ана шу хатда битилар эди. Кейинчалик бир гуруҳ хаттотлар Куфа ёзуви билан нусхалар кўчира бошладилар. Бу ёзувда араб хатининг тажвиди, яъни талаффуз қоидаларини тўлиқроқ акс эттириш мумкин эди. Бора-бора Куфа аҳли ёзуви ўзининг шакли жиҳатидан ҳижозий хатдан қулай экани маълум бўлди ва ҳижозий хатни ҳам куфий деб аталди. Ана шу вақтдан эътиборан Қуръон ва бошқа ёзма асарлар куфий хатда битила бошланди. Ёзиш ашёси сифатида тери билан бир қаторда матолар, хусусан, бўздан тўкилган Миср матоси, шунингдек, тахта, суяк, тош ва сополлардан фойдаланилар эди.

Аббосийлар даврига келиб, «қоғоз» деб аталадиган янги ёзув ашёси пайдо бўлди. У юзига мум суртилган варақлардан иборат бўлиб, кўринишидан териға ўхшар эди. Қоғоз ишлаб чиқариш санъати хитойликлардан ўзлаштирилди. Чунки хитойликлар милoddан олдин ҳам қоғоз ишлаб чиқариш соҳасида моҳир бўлганлар. Араблар эса бу саноатни Самарқандга кирган пайтдагина ўргандилар. Шу даврдан бошлаб Қуръон ва бошқа битикларни қоғозга кўчириш ривожланди. Зеро, тери ёзув қуроли сифатида анча қимматга тушар эди.

Илк Мусҳаф ёзувида ҳозирги кундаги каби ҳарф нукталари ва унлиларнинг белгиланиши мукамал бўлмаган. Ўша даврда мазкур белгиларга унчалик кучли эҳтиёж ҳам йўқ эди. Чунки Қуръонни ёд билган қорилар мазкур хатни бир кўришдаёқ тушунар эдилар. Аммо ислом ажам (араб бўлмаган) халқлар орасида кенг тарқалган бир пайтда Қуръон сураларининг талаффузида ҳар хил оҳанглар вужудга келди. Бу ҳолат Қуръон қироатиға путур етиш ва маъноларининг ўзгариб кетиш хавфини туғдирди. Шунинг учун ёзувда қисқа унлиларни ифодаловчи белгилар – ҳаракатларни мукамал ишлаб чиқиш заруратга айланди.

Ироқ волийси Зиёд ибн Абиҳи 686-87 йилда олим Абул-Асвад Дуалийга наҳв (синтаксис) дарслигини ишлаб чиқишни буюрди. Бунинг учун Абул-Асвад сўзларнинг жумладаги келишик ҳолатини ифодаловчи «эъроб»ларни билдириш мақсадида нукталардан фойдаланди. У «а» қисқа унлисини ҳарфнинг тепасига нукта (фатҳа), «у» қисқа унлисини ҳарфнинг ўртасига нукта (дамма), «и» қисқа унлисини ҳарфнинг тагига нукта (касра) қўйиш билан белгилади. Нукталар матн ёзуви сиёҳидан бошқача рангда ёзилди. Бу араб ёзувини такомиллаштиришдаги биринчи ислоҳ эди [5: 75].

Иккинчи ислоҳ умавий халифалардан Валид ибн Абдулмалик ибн Марвон (705-715) даврида араб бўлмаган қорилар кўпайиб, нотўғри талаффуз туфайли одамлар кироатни тушунмай қолиш ҳоллари юзага келганда амалга оширилди. Улар араб тилидаги шаклан ўхшаш ҳарфларни бир-биридан ажратишда қийналар эдилар. Абдулмалик ибн Марвон ўз котибларини чақириб, уларга шакли ўхшаш ҳарфларни бир-биридан ажратиш учун белгилар ишлаб чиқишни буюрди. Наср ибн Осим бу вазифани ўз зиммасига олди ва ўхшаш ҳарфларнинг устига ёки тагига нукталарни битта ёки иккита қилиб қўйди. Энди нукталар ҳарф билан бир хил сиёҳда ёзиладиган бўлди, чунки улар ҳарфнинг бир бўлаги саналарди.

### ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Усмон Мусҳафининг жамланишида асосий эътибор қаратилган жиҳатлар сифатида кироатларнинг бир хил шаклга келтириш орқали мусулмонлар орасидаги бирликни сақлаб қолиш бўлган эканлиги маълум бўлади. Бунда ўша даврдаги қорилар ҳамда бу катта савобли ва зарурий ишни амалга оширишда масъул бўлган кишиларнинг ўз ишларига жиддий ёндашганлигини кўрсатади. Бугунги кунда ҳам инсонлар орасидаги бирликни таъминлаш учун ушбу манбани илмий асосда ўрганиш талаб этилади.

### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ғулом Мирзо, Очилов Н., ЎзА мухбирлари. Маънавият ва маданиятга эътиборнинг амалдаги ифодаси // Халқ сўзи. – Тошкент, 2007. 26 апрель. – № 81.

2. Тошкент ислом маданияти пойтахти / Масъул муҳаррир З.Исломов. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. – 186 б.
3. Шайх Исмоил Махдум. Тошкентдаги Усмон Мусҳафининг тарихи / Арабчадан Абдуллоҳ шайх Исмоил Махдум ўғли таржимаси. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 1995. – 80 б.
4. Шайх Исмоил Махдум Сотти Охунд ўғли Намонгоний. Тошкентдаги Усмон Мусҳафининг тарихи. Арабча. Тошкент 1971.
5. Раҳматуллоҳ қори Обидов. Қуръон ва Тафсир илмлари. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2003. – 448 б.
6. Тошкентдаги Усмон Мусҳафи / Муаллифлар: А.Ғ.Абдуллаев, Д.Раҳимжонов, Ш.Зиёдов / Масъул муҳаррир З.Исломов. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2015. – 160 б.
7. Резван Е.А. Коран Усмана (Санкт-Петербург, Катта-Лангар, Бухара, Ташкент). – Т. I. – Санкт-Петербург: Петербургское востоковедение, 2004. – 368 с.
8. Ҳасанов А. Тошкендаги Усмон Мусҳафи ҳақида // Имом ал-Бухорий сабоклари. – Тошкент, 2000. – №1. – Б. 7-9.
9. Хасанов А. К истории священного Корана Османа в Ташкенте // Ўзбекистон Республикаси Фан ва Техника Давлат қўмитаси (ГКНТ) бюллетени. – Тошкент, 1997. – № 1. – Б. 2531.
10. Раҳимжонов Д.О. Илк Мусҳафнинг жамланиш тарихи // Тошкент ислом университети Илмий-таҳлилий ахбороти. – № 4. – 2015.